

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёинки, сил, сил-ар-ия ва махавликними дерсиз? Йўк, андан хам ямонрок ва андан хам жонхарош, бевоя, хонавайрон ва гариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шахри ва кишлоки ёйинки ярим маданий, ярим вахший синфларимизгача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилгон ва бизни инкиrozга ва тахликага ва жаханнамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки каттол душманни дерман.

Атомиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Куръони каримда «Ло талакку би ядикум ала тахлиkkатихи», яъни ўз кўлларингиз ила ўзингизни тахликага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбаҳтона ва Худонинг амрига бўюн кўймасдан кофириона бир суратда тўй ва азо деган, йўк бўлушимиизга сабаб бўлган одатларга бору йўкимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой наврузи кофири учун сайр этармиз.

Бир ой муқаддам Самаркандни Панжакент касабасидаги наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажрух бўлди. Кўпкари ва улок чопмоклик одати малъунонасига хар вилоятдан хар сана юзлар ила киши охиратга кўчар, на кадар киши мажрух ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпкари шумлиги ила ишдан ва зироат вактидан колур. Уйига озукаси йўк, хўкузи ва согар сийири йўк экан, бир неча юз сўмга от олиб ва хар куни анга хиндидек парастиш этибу хар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрга кўпкари чопмок учун. Ўн-йигирма чакиrimга тўй бўлдими, хар ким ишини, дехкончилигини кўюб, отланиб кўпкарига кетар. Дехкон учун олтундан азиз вакт фавт бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун пишмай колар. Биргина кун сўнгра йигилган учун ёгинга колиб, баъзи хирманлар чириб кетар.

Маълум бир шахарда яхудийлар баъзан ўлукларини окшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан коларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун хафталар, хатто, ойлар ила ишдан колурмиз. Холбуки, шореъи аъзам, пайгамбари акрам саллоллохи алайхи васаллам хазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез таркалиб, ишга кетмокга ва ўлукхона халкини уч кундан зиёда таъзия тутмасга, каро киймасга, кир, фалокат бўлмасга амр этарлар. Эй халк! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзига ва ўзимизни нафъимизга амал килмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан [1] ташкарими, Худо учун сўйлангиз. Биз нима?!

Шариат китобларидан «Фароиз, яъни Худони буйруги деган китобларга: «Ўлукни молидан аввалан ўлукга керакли мувофик суннат ва исрофсиз кафан -килиб, дафн килмокга сарф килинсун, сўнгра карзини берилур. Сўнгра ортган молларни варасасига

Муаллиф:
13.03.2014 23:48 -

мувофики шариат таксим килиниб берилур», — дейилган экан, биз билъакс кафандан сўнгра карзга бермай ва хатто, сагир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садака, хайрот, билмайман, нималар ужраси деб, карздан ворисидан илгари таксим килиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8—10 жумъа окшоми деб бутун махалла ва кишлок халкига палов берармиз. Баъзи бир бечора сагир ва муштипар аёллар меросдан ва хакларидан нокис олурлар. Баъзи карзҳоҳларни хакки худойи ва хайрот, нохудойи ва шаррот сабаби ила куюб кетар. Бечора ўлукни зиммаси карздан кутуломай колур. Худо учун айтингиз, бу хайротми, бу худойими? Беш-олти кун сўнгра бу худойи ва хайротлар учун варасани хакки бўлган мол ва ерлар сотулур. Берилган дангга адрес, азойи ва ганиларни олган йиртиш ва садакалари учун берилур. Энди бечора вариса дарбадар, хам отадан, хам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртахол, бир бечора факир ўлар. Онинг гани якини ўлукни эгаси бўлуб, вариса молини «обрўй» этарман, деб исроф ва барбод этар. Натижада бечора вариса дарбадар. Эй, уйинг обод, обрўй килгувчи! Ўлган ул, санга нима? Сан, гани, ўз ўлукингга обрўй килгонинг бас эмасми?

Астагфурилло, субхонолло. Бизни килатургон аклсизлигимизни кайси миллат килур? Никох, хатна, бу икки бало шундог каттик бир иллатки, ўлмагунча кутулуб бўлмайдур. Шахарларда ўртахол, яъни ўтурага хона ва боги бор бир киши никох учун икки минг сўм сарф этар ва ўгул хатнаси учун хеч бўлмаганда минг сўм. Хар бир бенаво киши бу мавриларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан колган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яхудий ё бир армани ажнабийга сотиб, тўй ва таъзия карзини берар. Ўзи сотмаганда судга сотилур. Мана, юкоридаги сарлавҳада «Бизни кемир-гувчи иллатлар» деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўкончи, бир гулкор, бир факирхол, бир косиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан катигдурки, мунинг учун бечора хар кун ўлур. Хар кун ўлгон ила-да кутулмас. Ўзидан сўнгра ахлу аёлига бу йўксуллик ва бу мусибатни мерос кўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, кўзи чиксун. Хай, бонка окчасини, бирор пулинни на учун барбод этар. Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу хол ила 20—30 сана ўтса, ер ва хавлилар ажнабийларга ўтуб, аксар халкимиз гадойлик даражасига инур. Эллик сана мукаддам ер сотилса, бир мусулмон оларди, энди бошкалар олур. Мана, энди биз шу хол илан яна йигирма — ўттуз йил ўткарсак, халкимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз, дарбадар бўлатургони маълум ва ошкордур.

Бир хавлида, бир рўзгорда, масалан, икки ўгул, икки киз бор. Ато ўлса, ани моли тўрт бўлунур. Аларни хар бирига никох ва хатна ва ўлум маврилари мукаррардур. Ўзларини замонча илми ва хунари йўкки, контурга, махкамага, бонкага кириб вазифа олса. Энди ноилож атторлик ва ё бакколлик ва у бўлмаса, муздурулик ва мардикорлик килиши лозим

Муаллиф:
13.03.2014 23:48 -

келиб, бу ишлардан факат аларни корни тўядур. Ортдурмокка йўк. Мунинг устига тўй ва таъзия деган даҳшатлик балолар келгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзгорга ёниб кул бўлмоқдан бошка илож йўқдур. Эллик сана мукаддам бир кариш ер бир пул экан, энди бир олтун ва келарга ер олтунга хам топилмайдур. Кирим ва Кафкоз мусулмонлари-да бизлардек ер кадрини билмаслар экан. Энди Киримда бир таноб (600 сажин) ер ўн минг сўмдан ўттуз минг сўмгачадур.

Биз бир таноб еримизни 200 сўм сотиб тўй килмокчи бўлсак, «ерни хўб пулга урдум» деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу кадар ахмоклиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик килиб ва холимизча харакатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлук. Валлоҳ, хору зору мункариз бўлмок эртага офтобни чикишидек мукарардур.

Самаркандда бир махалла борки, аксар халки факру заруратдан, тўгриси, акл нокислигидан хавлиларини пулга кизикиб яхудийларга сотган учун махаллага оз мусулмон колди. Махалла мактаби йўк бўлди. Масжиди-да якинда йўколур. Мана, бизни аклсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмоқига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун акча, сарват, давлат, сомон керакдур. Тўй ва таъзияга сарф килинатургон окчаларимизни биз, туронийлар, илм ва-дин йўлига сарф этсак, анкариб оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўк, хозирги холимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошка насибамиз бўлмайдур.

Ко эътабару йо аввал ул-абсар! [\[2\]](#)

«Ойна» журнали, 1915 йил, 13-сон, 338—342-бетлар.